



## FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF EARLY CIVILIZATIONS IN CENTRAL ASIA

*A. S. Sagdullaev*

*Doctor of History, Professor, Academician  
National University of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Central Asia, civilization, Bronze Age, Margiana, Bactria, culture.

**Received:** 17.12.24

**Accepted:** 19.12.24

**Published:** 21.12.24

**Abstract:** The article examines some features of the development of civilization at the end of the III and the beginning of the II millennium BC in Southern Turkmenistan, the valley of the lower reaches of the Murgab River (Margiana), in the territory of Northern Afghanistan and Southern Uzbekistan (Bactria). In the civilization of Margiana-Bactria, advanced cultural traditions of the ancient East are noted, which are reflected in the fields of crafts, architecture, fortification systems, the construction of residential houses and monumental buildings, as well as in visual arts.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

*A. S. Sagdullaev*

*Тарих фандари доктори, профессор, академик  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Марказий Осиё, цивилизация, бронза даври, Марғиёна, Бақтрия, маданият.

**Аннотация:** Мақолада мил. авв. III минг йиллик охири II минг йилликнинг бошларида Жанубий Туркменистон қуйи Мурғоб дарёси воҳасида (Марғиёна), Шимолий Афғонистон ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида (Бақтрия) цивилизация ривожланишининг айрим хусусиятлари кўриб чиқилган. Марғиёна–Бақтрия цивилизациясида қадимги Шарқнинг илғор маданий анъаналари

хунармандчилик ва меъморчилик соҳаларида, мудофаа тизими, тураржойлар, катта бинолар ва тасвирий санъат намуналарида ўз аксини топганлиги қайд этилган.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**А. С. Сагдуллаев**

*доктор исторических наук, профессор, академик*

*Национальный университет Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Центральная Азия, цивилизация, бронзовый век, Маргиана, Бактрия, культура.

**Аннотация:** В статье рассмотрены некоторые особенности развития цивилизации в конце III – начале II тысячелетия до н.э. в Южном Туркменистане, долине низовой реки Мургаб (Маргиана), на территории Северного Афганистана и Южного Узбекистана (Бактрия). В цивилизации Маргианы–Бактрии отмечаются передовые культурные традиции древнего Востока, которые получили отражение в сфере ремесла, архитектуры, системе фортификации, строительстве жилых домов и монументальных зданий, а также в изобразительном искусстве.

### КИРИШ

Қадимги Шарқда дастлабки цивилизациялар сунъий суғоришга асосланган зироаткорлик, ихтисослашган хунармандчилик, шаҳарлар ва мудофаа тизими, юксак даражада ривож топган бинокорлик ва меъморчилик – ибодатхоналар ва саройлар, ички ва ташқи савдо-сотик фаолияти, тасвирий санъат ва ёзув каби иқтисодий ва маданий белгилари билан ажралиб турган.

Илк цивилизациялар давлатчилик тизими ва шаҳарларнинг ижтимоий-сиёсий доирасида шаклланган. Бунда шаҳарлар сиёсий-маъмурий, иқтисодий ва диний марказлар сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Жанубий Туркманистоннинг Копетдоғ ёнбағирларида жойлашган бронза даври ёдгорликларининг ўрганилиши натижасида “Олтинтепа цивилизацияси” ҳақида масала илгари сурилди [1]. Мазкур цивилизация, Қадимги Шарқнинг Нил, Дажла ва Фрот, Ҳинд ва Хуанхэ серсув дарёлари воҳаларида пайдо бўлган цивилизацияларга нисбатан ирригация

деҳқончилиги чекланган сув ресурсларига асосланиб тараққий топган марказлари қаторига киритилди [2].

Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. III минг йилликнинг иккинчи ярми Олтинтепа ижтимоий тизимида зироаткорлар, чўпон-чорвадорлар, бинокорлар, хунармандлар, коҳинлар каби қатламлар мавжуд бўлиб, шаҳар ихтисослашган хунармандчилик, савдо-сотиқ ва диний маркази вазифасини бажарган. Аммо, унинг сиёсий, маъмурий функцияларини ўрганишга доир маълумотлар чекланган, шунингдек, ҳарбий иш ва муодофаа тизими етарлича ривожланмаганлиги ҳамда сарой шаклида йирик иншоот аниқланмаганлиги эътиборга молик [3]. Шу боис Олтинтепа маданиятида цивилизация кўрсаткичлари тўлиқ суратда ифодаланмаган ва бу борада цивилизациянинг дастлабки кўринишлари намоён бўла бошлаганлиги ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, тоғ сойлари ва булоқлар сув ресурсларига таянган сунъий суғоришнинг имкониятлари, демографик омиллари таъсирида, яъни аҳоли сонининг табиий кўпайиши натижасида чекланиб борган [4]. Мил. авв. III минг йилликнинг охирларида, Олтинтепа ва Намозгоҳ каби илк шаҳар марказларида иқтисодий инқироз бошланган.

Энеолит ва бронза даврларида, металлургия ривожланиши натижасида, одамлар мис, калай ва қурғошин конларини эгаллаб олишган ҳамда олтин ва кумуш сингари нодир металлар, ложувард (лаъл), феруза каби қимматбаҳо минераллардан фойдалана бошлашган. Шу боис, қазилма бойликлар мавжуд худудларни эгаллаб олиш ва кончилик ишларни йўлга қўйиш заруратининг вужудга келиши ҳолати турли тадқиқотларда қайд этилган.

Мил. авв. IV – III минг йиллик бошларида Панж дарёсининг сўл соҳил воҳалари Ҳинд водийси ва Жанубий Афғонистондан келиб чикқан аҳоли гуруҳлари томонидан ўзлаштирилади. Узоқ масофадаги кўчиш – миграциянинг сабаби, шимолий-шарқий Афғонистоннинг Бадахшон тоғларида мавжуд хомашё конларини ўзлаштириш мақсади билан боғланган [5].

Иқтисодий омиллар белгилаб берган ташқи миграциялар оқибатида, юқори Зарафшон воҳасида Саразм манзилгоҳи шаклланган. Зарафшон тоғ тизмасидаги фойдали қазилмаларидан самарали фойдаланиш жараёнида шимолий-шарқий Эрон, жануби-ғарбий Туркманистон ва Жанубий Афғонистоннинг аҳолиси вакиллари фаол иштирок этишган [6].

Мил. авв. III минг йиллик ўрталарида Ҳинд (Хараппа) цивилизацияси вакиллари томонидан Панж дарёсининг сўл соҳили ҳавзасида Шўртўқай савдо факториясига асос солинади. Унинг пайдо бўлиши тоғ-кон қазилма маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ҳинд водийсига камёб минерал ложувард ҳамда кумуш ва олтин ашёларини етказиб бериш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган [7].

Мил. авв. III минг йилликнинг охирлари – II минг йиллик бошлари Марғиёна ва Бактрияда Гонур, Даштли-Сополли маданиятларнинг шаклланиши жараёнида ташқи миграциялар омили катта аҳамият касб этган. Мазкур миграциялар юзага келган таянч марказлари Аккад, Шумер, Эроннинг шимоли-шарқи ва Туркменистоннинг Копетдоғ ёнбағирларида жойлашган.

Маълумки, Икки дарё оралигининг ўрта ва қўйи қисмида (Шумер) сунъий суғоришга асосланган зироаткорлик соҳасида Дажла ва Фрот дарёлари сувидан фойдаланилган. Аксинча, минтақанинг шимолий вилоятида (Аккад) кўпроқ лалмикор деҳқончилик ривожланиб, арпа ва буғдой экилган. Тахминан мил. авв. 2200 йилга келиб, Олд Осиё ҳудудларида иқлимнинг исиб кетиши, ёмғирларнинг кескин камая бориши сабабли қурғоқчилик ва чанг бўронлари вужудга келиши оқибатида, Аккад аҳолиси анъанавий турар жойларини тарк этишга мажбур бўлган. Олд Осиёликлар Шарқий Эрон ва Жанубий Туркменистон ерлари сари оммавий равишда йўл олишган [8]. Уларнинг сони кўп қисми қўйи Мурғоб дарёси воҳасида ўтроқлашади, бошқа бир катта гуруҳлари ўзларининг мулки ва чорва подалари билан Бактрияга кириб келишади.

Олтинтепа маданиятига нисбатан Марғиёна-Бактрия ёдгорликларида бронза даври цивилизациясининг деярли барча белгилари ўз аксини топган. Турлича иншоотлар ва катта бинолар қуриш техникасини билган ҳамда мураккаб меъморчилик тузилиши усулларига доир билимларга эга бўлган келгиндилар, ўзлаштирилган юртларда кўп хонали турар жойлар, тўғрибурчак, доира ва тўртбурчак меъморий тархига эга мустахкамланган ибодатхоналар ва саройлар, шунингдек, мудофаа деворларида буржлар ва шинаклар мавжуд қалъаларни бунёд этишган [9].

Бронзадан ишланган ханжарлар, болталар ва найза пайконлари, мураккаб мудофаа тизими қатори ҳарбий ишнинг анча ривожланганидан дарак беради.

Тасвирий санъат ҳам юқори даражада тараққий этган эди. Бронзадан ясалган муҳр, туморлари тасвирларида, кумуш ва олтин идишлар сиртидаги манзараларида мифологик ва кундалик ҳаёт мавзулари ўрин олган. Мисол тариқасида, Япониядаги Мико музейи коллекциясида Бактриядан топилган кумуш идиш сиртида иккита хўкиз тортадиган омуш ёрдамида ерни шудгор қилиш ва деҳқонларнинг далага уруғ сочиш манзарасини кўриш мумкин [10]. Бронза даврида ер ва сувга, қуёш ва оловга сифиниш кенг тарқалган.

Марказий Осиё илк давлатчилик тарихига оид илмий қарашлар ва ёндашувлар, ҳозирги даврга қадар ушбу мавзунинг тарихшунослиги ва ёритилишининг асосий жиҳатлари алоҳида кўриб чиқилди [11]. Марғиёна ва Бактрия мисолида давлатчилик тизимининг мил. авв. III минг йиллик охирлари – II минг йиллик бошларида вужудга келганлиги тадқиқотчилар томонидан тан олинган (шу жумладан, хорижий илмий

адабиётларда ҳам). Шунингдек, куйи Мурғоб ҳавзасидаги бронза даврида шаклланган давлатларни “қадимги шарқ подшоҳлиги” деб аташ таклиф этилган [12].

Бундай ёндашувнинг тарихий воқеликка тўғри келиши эҳтимолидан ҳоли эмас. Негаки, қадимий зироаткорлар ягона сув манбаи Мурғоб дарёсининг куйи тармоқлари воҳаларида жойлашган. Гонур шаҳри вилоятнинг сиёсий – маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази вазифасини бажариб, мудофа деворлари билан ураб олинган. Шаҳар худудида катта ҳашаматли сарой ва ибодатхоналар мавжуд бўлган ҳамда буюмларга бой “подшоҳлар” қабрлари аниқланган.

Бақтрияда бронза даври ёдгорликларининг географияси ва картографиясига кўра, аҳоли тоғ олди ерларини ўзлаштирган ва далаларнинг сўғорилиши турлича тоғ дарёлари билан бевосита боғланган [13]. Шу сабабдан, Бақтриянинг жанубида – Даштли, шимолида – Жаркутон ва шаркида – Шўртўқай, табиий чегаралари билан бир – бирларидан ажратилган алоҳида вилоятларнинг сиёсий, иқтисодий ва диний марказлари бўлган. Шунингдек ҳар бир вилоятда маъмурий бошқарув мустақил амалга оширилганлигига ўхшайди. Бундан Жанубий ва Шимолий Бақтрияда топиб текширилган саройлар ва ибодатхоналар гувоҳлик беради [14;15].

Сўнгги йилларда айрим тадқиқотчилар Марказий Осиё қадимги тарихини “Турон тарихи” сифатида ёритишга интилиб, 3 минг йил аввал “Турон цивилизацияси” пайдо бўлганлиги ҳақида масалани илгари суришган. Шуни таъкидлаш жоизки, минтақа тарихига оид илк ёзма манбаларда (“Авесто”, қадимги форс битиклари, юнон муаллифларининг асарлари) “Турон” атамаси тарихий-географик худуд, мамлакат ва давлат каби маъноларида тилга олинмаган [16]. “Авесто”да “тур”, “тура” дашт чорвадор қабилалари қайд этилган. Бирок, улар жойлашган худудларнинг маркази “Қангха” деб аталган. Аслида “Турон” топонимининг келиб чиқиши илк кўринишлари милодий V – VI аср бошлари билан белгиланади. Сосонийлар сулоласи ҳукмронлиги даври Эронда, зардуштийлар қоҳинлари, оғзаки ва ёзма шаклларда сақланиб келган “Авесто” алқовларини алоҳида қисмларга ажратиб, қонунлар тўпламини яратган [17]. Шу сабабли, дастлаб “Авесто”да тасвирланган ўтроқ арийлар ва тура дашт чорвадор қабилаларнинг ўзаро курашлари ҳақидаги тарихий ривоятлар, Эрон ва Турон ўртасидаги курашлар сифатида ёритила бошлаган. Ушбу мавзунинг ривожланишида Эрон сосонийлар ҳукмдорларининг эфталийлар ва Турк ҳоқонлиги билан сиёсий муносабатлари ҳам катта аҳамият касб этган. Натижада, қаҳрамонликка оид дostonларга асосланган “Шоҳнома” эпоси вужудга келиб, форс ва араб тилларида ёзилган тарихий-географик адабиётларда “Турон” атамаси кенг қўлланилган.

## ХУЛОСА

Марказий Осиё тарихининг хусусияти шундан иборатки, ҳали олис ўтмишлардаёқ маҳаллий аҳоли таркиби турли даврларда нафақат ички ўсиш ҳисобига, балки ташқи миграциялар эвазига ҳам кенгая борган. Миграция жараёнлари энеолит ва бронза даврига келганда айниқса кучаяди. Миграциялар натижасида турли тарихий босқичларда (қадимги давр, ўрта асрлар) этномаданий янгиликларнинг бўй кўрсатиши, катта этник гуруҳларининг ассимиляцияси (қоришиб кетиши), моддий ва маънавий маданиятнинг тубдан ўзгариши аниқланган. Мисол тариқасида, бундан энеолит, бронза ва илк темир даврларининг ташқи миграциялари, юнон – македонияликлар, кушонлар, эфталийлар, туркий қабилалар ва арабларнинг ҳарбий юришлар оқибатида Ўрта Осиёга кўчиб келиши, муғуллар ва шайбонийлар даври миграциялари дарак беради. Шу боис қадимги ва ўрта асрлар давлатчилиги тарихидан туб жойли (автохтон) анъаналар ва этномаданий янгиликларнинг қоришиб кетиши ҳамда турлича кўринишдаги янгиликларнинг анъаналарга айланиб ривожланиши борасида талайгина мисолларни келтириш мумкин. Бунда маданий анъаналар ва инновацияларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уйғунлиги ҳолати катта аҳамиятга эга. Шунингдек, ҳарбий юришлар ва аксинча тинч йўл орқали ўзаро алоқаларнинг тадрижий ривожланиши натижасида сиёсий жараёнларнинг ўзгариши, цивилизация ва давлатларнинг вужудга келиши, янги динлар, маданий ва технологик ютуқларнинг кенг миқёсда тарқалиши жаҳон тарихидан маълум.

Этнос, ҳудудлар ва мамлакатларнинг номланишида, турли тарихий босқичларда ўзгаришлар содир бўлган, аммо асрлар мобайнида маданий, этник ва географик чегаралар кўп ҳолатларда ҳудудий-сиёсий чегараларга мос келмаган.

## АДАБИЁТЛАР

1. Массон В.М. Алтын – дөпө // Тр. ЮТАКЭ. Т. XVIII. – Л.: Наука, 1981. – С. 129.
2. Массон В.М. Алтын – дөпө..... С. 124 – 126, рис. 33.
3. Массон В.М. Алтын – дөпө..... С. 126.
4. Лисицына Г.Н. Становление и развитие Фошаемого земледелия в Южной Туркмении. – М.: Наука, 1978. – С. 215.
5. Gardin J. – С., Lyonnet B. La protection archeologique de la Bactriane orientale (1974 - 1978): premiers rezultats // Mesopotamia. 1978 – 1979/ Vol. XIII – XIV. – Pp. 99 – 154.
6. Исаков А.И. Саразм: новый раннеземледельческий памятник Средней Азии // СА. – М., 1986. №1. – С. 152 – 157.
7. Frankfort H. – P. Tradition harappeene et innovation bactrienne a'shortughai // L'archelologique de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – Pp. 95-104.
8. Сарияниди В.И. Задолго до Заратуштры. – М.: Старый сад, 2010. – С. 16-18.

9. Мамедов М. Древняя архитектура Бактрии и Маргианы. – Ашхабад, 2003. – С. 116 – 117.
10. Марказий Осиё маданият мероси Япония музейларида. – Тошкент, 2019. – Б. 452.
11. Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа тузуми ва илк давлатчилик тарихи. – Тошкент, 2019. – Б. 45-116.
12. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. - Ашгабат, 2002.
13. Сағдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. Марказий Осиёда тарихий – маданият вилоятларнинг шаклланиши ва этник географияси муаммолари. – Тошкент: Университет, 2020. – Б. 162-163.
14. Аскарлов А.А., Ширинов Т. Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.
15. Хуф Д., Шайдуллаев Ш. Некоторые результаты работ узбекско – германской экспедиции на городище Джаркутан // ИМКУ. Вып.30. - Самарканд, 1999. – С. 19-26.
16. Сағдуллаев А.С., Холматов Н.Ў., Абдуллаев Ў.И. Марказий Осиёда тарихий – маданият вилоятларнинг шаклланиши... – Б. 213, 232.
17. Фрай Р. Наследие Ирана/Пер. с англ. В.Лившица и Е.В.Зеймаля. – М.: Наука,1972.–С.66-68,315-316;Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. И.М.Стеблин – Каменского. – М.: Наука, 1982. – С.155, 163-164.